

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 10 » август 2019 у.

№ 660

Toshkent sh.

**Махсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига
компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Махсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюртмаларига мувофиқ махсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларининг 50 фоизгача қисмини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча маблағлари ва кейинги йилларда эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилادиган маблағлар ҳисобига амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг экспорт юкларини ташқи бозорларга етказиб бериш бўйича асосий темир йўл маршрутлари кесимида махсулотларни темир йўлда ташиш харажатларини ҳар йил якунига кўра ўрганиб чиқиб, зарур ҳолларда Низомда назарда тутилган бир вагоннинг бир километр темир йўл масофаси учун белгиланган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “10” августдаги 660-сон қарорига
илова

**Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига
компенсация қилиш тартиби тўғрисида низом**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотни экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига компенсация қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги;

маҳсулотлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги ПҚ–4337-сон қарори билан тасдиқланган Экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар;

воситачилик шартномаси – бир тараф (воситачи) иккинчи тараф (комитент)нинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан экспорт шартномалари тузиш орқали комитент маҳсулотларини маълум бир ҳақ эвазига экспорт қилиш бўйича тузилган шартнома;

манфаатдор субъект – Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили;

транспорт-экспедиторлик ташкилоти – манфаатдор субъектнинг маҳсулотларини темир йўл транспорти орқали экспорт қилишда транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъекти;

транспорт харажати – манфаатдор субъект томонидан маҳсулотларни темир йўл транспортида экспорт қилишда темир йўл ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотларига ташиш билан боғлиқ хизматлар учун тегишли шартнома (инвойс)ларга мувофиқ тўланган маблағ;

субсидия – давлат томонидан маҳаллий манфаатдор субъектларга тасдиқланган рўйхатга мувофиқ маҳсулотларни экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача қисмини қоплаб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига ваколатли органга бериладиган маблағлар;

компенсация – манфаатдор субъектга маҳсулотларни темир йўл транспортида экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмини ушбу Низомда белгиланган тартибда қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия ҳисобига ваколатли орган томонидан тўлаб бериладиган маблағ;

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати – маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

2-боб. Компенсация тақдим этиш учун асосий шартлар

3. Ваколатли орган томонидан манфаатдор субъектга компенсация тақдим этилиши учун:

манфаатдор субъект Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатига олинган;

маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган;

маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош (Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Афғонистон Ислом Республикаси) бўлмаган мамлакатларга экспорт қилинган, тухум (ТИФ ТН коди 0407210000) маҳсулоти бундан мустасно;

маҳсулотлар белгиланган тартибда экспортга расмийлаштирилган;

маҳсулотлар учун камида 30 фоиз тўловлар тушган ёки банк аккредитиви очилган (маҳсулотлар манфаатдор субъектнинг ташқи савдо уйларига консигнация шартномалари асосида чиқарилган ҳолатлар бундан мустасно);

экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари манфаатдор субъект зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар манфаатдор субъект томонидан амалга оширилган бўлиши зарур.

3-боб. Компенсация тақдим этиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

4. Ваколатли орган томонидан транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмига Давлат бюджети ҳисобидан компенсация тақдим этиш бўйича манфаатдор субъектларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Транспорт харажатлари бўйича компенсация олиш учун манфаатдор субъект томонидан ваколатли органга ушбу Низомга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ариза қуйидаги ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилади:

экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси;

божхона юк декларацияси нусхаси;

манфаатдор субъект билан темир йўллар ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ўртасида тузилган юкни темир йўл

транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома нусхаси;

манфаатдор субъект томонидан темир йўллари ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотларига амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

маҳсулотлар экспорт қилинган давлат божхона органи ва юкни қабул қилган темир йўл станцияси белгиси қўйилган темир йўл юкхати нусхаси;

Ўзбекистон Республикасидаги юк юборилаётган темир йўл станциясидан маҳсулотлар экспорт қилинган мамлакатдаги юкни қабул қилувчи сўнгги станциягача бўлган темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумот (манфаатдор субъект томонидан темир йўл юкхати ва бошқа тегишли ҳужжатлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда темир йўл участкалари бўйича тақдим этилади);

маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси.

6. Манфаатдор субъектдан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Манфаатдор субъект томонидан компенсация олиш учун ариза ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади.

Бунда, манфаатдор субъектлар 2019 йил 1 майдан бошлаб экспорт қилган маҳсулотлари бўйича амалга оширган транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмига компенсация олиш учун ваколатли органга аризалар тақдим этишга ҳақли.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар манфаатдор субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Аризада манфаатдор субъектнинг электрон манзили кўрсатилганлиги унинг аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

8. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга манфаатдор субъект томонидан бевосита тақдим этилаётганда ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

9. Компенсация олиш учун ариза ваколатли органга манфаатдор субъект томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилганда, ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, ваколатли орган 3 иш куни мобайнида манфаатдор субъектга ҳужжатларни тегишли жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтаради.

10. Ушбу Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган аризалар ваколатли орган томонидан 7 иш куни давомида кўриб чиқилади.

11. Ваколатли орган манфаатдор субъект ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-бандидаги шартларга мувофиқлиги нуктаи назаридан ўрганиб чиқади.

12. Ваколатли орган манфаатдор субъект ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ахборот тизимлари, шу жумладан, Ташқи савдо операцияларининг ягона ахборот тизими орқали ва тегишли органларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги маълумотлар базалари ёрдамида ҳамда сўровномалар юбориб, жавоблар олиш орқали ўрганиб чиқади.

13. Манфаатдор субъект аризаси бўйича компенсация бериш юзасидан хулоса ваколатли орган томонидан қабул қилинади. Манфаатдор субъектнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

4-боб. Компенсация беришни рад этишнинг асослари

14. Манфаатдор субъектга компенсация беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

манфаатдор субъект ва у томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган шартларга ёки уларнинг бирига номувофиқлиги;

манфаатдор субъект томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилмаган асосларга кўра манфаатдор субъектга компенсация беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Манфаатдор субъект компенсация берилишини рад этиш тўғрисида хулоса олганда рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда компенсация олиш учун ваколатли органга ариза билан қайта мурожаат қилишга ҳақли.

17. Манфаатдор субъект компенсация берилишини рад этиш тўғрисидаги хулосадан норози бўлган тақдирда, шунингдек, ваколатли органнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

5-боб. Компенсация миқдорини аниқлаш ва тўловни амалга ошириш тартиби

18. Компенсация миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади*:

$$K_T = (T * k \leq M * V * S) \leq E$$

K_T – компенсация миқдори, миллий валютада;

M – Ўзбекистон Республикасидаги юк юборилаётган темир йўл станциясидан маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатдаги юкни қабул қилувчи сўнгги станциягача бўлган темир йўл масофаси, километрда;

V – маҳсулотлар экспорт қилинган вагонлар сони;

S – бир вагоннинг бир километр темир йўл масофаси учун белгиланган компенсация миқдори, миллий валютада – 8 500 сўм/км;

T – манфаатдор субъектнинг транспорт харажати миқдори, миллий валютада;

k = компенсация коэффициенти – 0,5;

E = манфаатдор субъектга экспорт қилинган маҳсулотларнинг умумий қийматига нисбатан ажратиладиган компенсациянинг энг юқори миқдори, миллий валютада – манфаатдор субъект томонидан компенсация олиш учун тақдим этилган хужжатларга мувофиқ экспорт қилинган маҳсулотлар умумий қийматининг 10 фоизи. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг миллий валютадаги қиймати, бу маҳсулотларга божхона юк декларацияси расмийлаштирилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

**Компенсация миқдори формуладаги тенгсизликда аниқланган қийматларнинг энг кичигига тенг бўлади. Мисол учун: $T=113\ 400\ 000$ сўм, $M=10500$ км, $V=1$, $S=8\ 500$ сўм, маҳсулотларнинг умумий қиймати $300\ 000\ 000$ сўм. Бу ҳолатда $T*k=56\ 700\ 000$ сўм, $M*V*S=89\ 250\ 000$ сўм, $E=30\ 000\ 000$ сўм. Демак, жами компенсация миқдори қиймат бўйича энг кичик бўлган E белгисининг қийматига, яъни $30\ 000\ 000$ сўмга тенг.*

19. Хорижий валютада тўлов амалга оширилган транспорт харажатлари учун компенсация миллий валютада амалга оширилади. Хорижий валютада тўлов амалга оширилган транспорт харажатининг миллий валютадаги қиймати манфаатдор субъект томонидан транспорт харажатлари учун тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли валюта курсига асосан ҳисобланади.

20. Манфаатдор субъектнинг транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини компенсация қилиш ваколатли орган томонидан унинг буюртманомаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ажратиладиган субсидиялар доирасида амалга оширилади.

21. Ваколатли орган ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида манфаатдор субъектлар томонидан тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиш якунларига мувофиқ манфаатдор субъектларга компенсациялар бериш учун Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига буюртманома тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли орган томонидан тақдим этилган буюртманомани олган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида буюртманомада кўрсатилган субсидия маблағларини ваколатли органнинг махсус шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб беради.

Бунда, молия йили якуни бўйича ушбу шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

23. Ваколатли орган махсус ғазна ҳисобварағига тушган субсидия маблағларини 3 иш куни мобайнида ваколатли орган томонидан компенсация

берилиши белгиланган тегишли манфаатдор субъектларнинг тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига ўтказиб беради.

24. Компенсация берилган манфаатдор субъектларнинг реестри ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шаклга мувофиқ ваколатли орган томонидан юритилади.

6-боб. Яқунловчи қондалар

25. Ваколатли орган томонидан манфаатдор субъектга маҳсулотларни экспорт қилишдаги транспорт харажатларини компенсация қилиш учун субсидия маблағлари ажратилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари ҳисобига компенсация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги
Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан транспорт харажатларининг
50 фоизгача қисмига Давлат бюджети ҳисобига компенсация бериш
бўйича манфаатдор субъектларнинг аризаларини кўриб чиқиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Манфаатдор субъект*	<p>Ариза ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали топшириш, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси; - божхона юк декларацияси нусхаси; - манфаатдор субъект билан темир йўллар ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ўртасидаги юкни темир йўл транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш шартномаси нусхаси; - манфаатдор субъект томонидан темир йўллари ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотларига амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси; - маҳсулотлар экспорт қилинган давлат божхона органи ва юкни қабул қилган темир йўл станцияси белгиси қўйилган темир йўл юкхати нусхаси; - Ўзбекистон Республикасидаги юк юборилаётган темир йўл станциясидан экспорт қилинган мамлакатдаги юкни қабул қилувчи сўнгги станциягача темир йўл масофаси тўғрисидаги маълумот; - маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси. 	Манфаатдор субъектнинг ихтиёрига кўра
2-босқич	Экспортни рағбатлан- тириш агентлиги	<p>Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда, уларни манфаатдор субъектга жавоб хати билан ёзма ёки электрон шаклда қайтариш; - тўлиқ тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тегишли хулоса тайёрлаш ва манфаатдор субъектни хабардор қилиш. 	3 иш куни мобайнида 7 иш куни мобайнида
3-босқич	Экспортни рағбатлан- тириш агентлиги	Субсидия ажратиш бўйича буюртманома тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш.	Ҳар ҳафта якуни бўйича кейинги ҳафтанинг биринчи иш кунида
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Манфаатдор субъектнинг транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисмини компенсация қилиш мақсадида ваколатли орган буюртманомасига мувофиқ Давлат бюджетидан субсидия ажратиш.	Буюртманомани қабул қилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида
5-босқич	Экспортни рағбатлан- тириш агентлиги	Компенсация тўловини манфаатдор субъектнинг аризасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.	Махсус ғазна ҳисобварағига субсидия маблағлари тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида

* Манфаатдор субъект – Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатида олинган, маҳсулотларни хорижий мамлакатлардаги харидорларга экспорт шартномалари (инвойс)га мувофиқ сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига биноан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан, унинг ваколатли вакили.

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
маблағлари ҳисобига компенсация қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Инвестициялар ва ташқи савдо
вазирлиги ҳузуридаги Экспортни
рағбатлантириш агентлигига
_____ дан
(манфаатдор субъектнинг номи)

Ариза

_____ (манфаатдор субъектнинг номи)
томонидан _____ (мамлакат номи) темир йўл транспортида экспорт
қилинган, умумий қиймати АҚШ долларига тенг, ТИФ ТН коди
_____ бўлган _____ (маҳсулотнинг номи)
маҳсулот(лар)ини экспорт қилиш учун сарфланган _____ сўм
миқдоридаги темир йўл транспорти харажатларининг 50 фоизгача қисмини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига компенсация қилиш
масаласини кўриб чиқишингизни ва тегишли компенсация тўловини
_____ (тижорат банкининг номи) тижорат банкининг
_____ (ҳудуднинг номи) филиалидаги бизнинг
_____ ҳисоб рақамга ўтказиб беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоқда:

1. Экспорт шартномаси (инвойс) ва (ёки) воситачилик шартномаси нусхаси.
2. Божхона юк декларацияси нусхаси.
3. Манфаатдор субъект билан темир йўллар ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ўртасида тузилган юкни темир йўл транспортида ташиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома нусхаси.
4. Манфаатдор субъект томонидан темир йўллар ва (ёки) транспорт-экспедиторлик ташкилотларига амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.
5. Маҳсулотлар экспорт қилинган мамлакат божхона органи ва юкни қабул қилган темир йўл станцияси белгиси қўйилган темир йўл юкхати нусхаси.
6. Ўзбекистон Республикасидаги юк юборилаётган темир йўл станциясидан маҳсулотлар экспорт қилинган мамлакатдаги юкни қабул қилувчи сўнги станциягача бўлган темир йўл масофаси тўғрисида маълумот.
7. Маҳсулотларнинг келиб чиқиш сертификати нусхаси.

_____ раҳбари

_____ (Ф.И.О.)

Боғланиш учун телефон: +998 () _____

Маҳсулотни экспорт қилишда ташиш харажатларини
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига
компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Компенсация берилган манфаатдор субъектларнинг реестри

Т/р	Манфаатдор субъект номи	Экспорт шартномаси (инвойс)нинг идентификация рақами ва/ёки воситачилик шартномаси рақами ва санаси	Маҳсулот номи	Маҳсулот ТИФ ТН коди	Божхона юк декларацияси рақами ва санаси	Темир йўл транспорти босиб ўтган жами йўл масофаси, км	Экспортга юк ортиш станцияси номи ва рақами	Экспортга ортилган юкнинг сўнгги етиб бориш станцияси номи ва рақами	Экспорт қилинган маҳсулотларнинг умумий қиймати, сўм	Манфаатдор субъектнинг транспорт харажати, сўм	Бир километр/вагон темир йўл масофаси учун белгиланган компенсация миқдори бўйича ҳисобланган транспорт харажати, сўм	Манфаатдор субъектга тақдим этилган компенсация миқдори, сўм
1.												
2.												
3.												
...												

